

### III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали тариф ёки 08.11.2017 й.даги ПҚ-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф бўйича амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган Истеъмолчи билан (бюджеташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялар, бундан мустасно) ҳисоб-китоб қилишда сутка вақтлари бўйича табақалаштирилган тариф кўлланилади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар сутканинг қуидаги даврларидан фойдаланилган энергия учун:

ярим тифиз давр - сутканинг ёруғ вақти (9-00 дан 17-00 гача) - белгиланган тариф бўйича;

тифиз давр - эрталабки ва кечки «энг катта микдор» (ягона электр энергетик тизимининг энг катта юкламали соатларида: эрталабки «энг катта микдор» - 6-00 дан 9-00 гача, кечки «энг катта микдор» - 17-00 дан 22-00 гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш бўйича;

тунги давр - сутканинг коронги вақти (энг кам юкламали соатларда: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 06-00 гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда камаювчи коэффициентни кўллаш бўйича амалга оширилади.

Белгиланган тариф II тариф гурӯҳи истеъмолчилари учун бир ставкали тарифга мөлжалланмагади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилишга мөлжалланмагади истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган куввати 750 кВАгача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нарҳ шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатида назар тутилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда Ҳукумат қарори билан белгиланган тариф кўлланилади.

3.3. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ҳамда Корхона ўртасидаги ўзаро ҳисоблар учун ҳисоб-китоб қилиш даври бир ой саналади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Ешбурий прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” аталади) воколатли шахси билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлар ёзиб олади ва мазкур шартноманинг З-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот тузади.

Истеъмол қилинган энергиянинг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш учун асос бўйича Истеъмолчи томонидан “10” санагача бўлган муддатда худудий электр тармоккорхонаси ҳамда Бюргора ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орни белгиланган шаклда тақдим этилган энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот саналади.